

Ж.Ш.Умурзоқов
Тошкент молия институти

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Мақолада мамлакатимиз нефть-газ саноатида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларни инвестицион фаолликни таъминлашдаги ўрни билан боғлиқ жараёнларнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган. Шунингдек, нефть-газ саноатида жорий ва истиқболли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек нефть маҳсулотларига бўлган ички истеъмол талабини самарали қондириш орқали инвестицион фаолликни таъминлаш жараёнини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўз ва иборалар: нефть-газ саноати, инвестицион фаоллик, инвестицион лойиҳа, инвестиция стратегияси, молиявий имтиёзлар, молиявий тақчиллик, инвестицион риск даражаси, саноатдаги таркибий ўзгаришлар, рақобатдошлик.

INVESTMENT ACTIVITY TO IMPLEMENT STRUCTURAL CHANGES IN THE OIL AND GAS INDUSTRY ROLE IN SUPPLY

The article examines the theoretical and methodological basis of the processes related to the role of structural reforms in the oil and gas industry of the country in ensuring investment activity. Also, scientific proposals and practical recommendations have been formulated to improve the process of ensuring investment activity through the implementation of current and future structural changes in the oil and gas industry, as well as the effective satisfaction of domestic consumer demand for petroleum products.

Keywords: oil and gas industry, investment activity, investment project, investment strategy, financial incentives, financial deficit, level of investment risk, structural changes in the industry, competitiveness.

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг самарадорлиги, саноат тармоқлари фаолиятини инновацион ривожланиш шарт-шароитларини таъминлаш, аҳоли бандлигини ошириш, саноат ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган талабини самарали қондириш имкониятларини шакллантиришга ижобий таъсир қўрсатмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлиги хусусида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагича тўхталиб ўтган эди: «Энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий

ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликтини кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда. Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди»[1].

Саноат тармоқларида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларнинг ўрни, саноат маҳсулотларига бўлган ялпи талабни самарали қондириш орқали, инвестицион фаолликни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади. Хусусан, инвестиция блокларида (Култак-Қамаши, Муборак, Сурхон, Ашибулоқ ва Коскуд, ғарбий Фарғона инвестиция блоклари) нефт-газ конларида ишлов бериш ва геологик қидирув ишларини амалга ошириш, ҳудудларда сement ишлаб чиқаришини ташкил этиш, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби йирик инвестиция лойиҳаларининг жадал ўзлаштирилаётганлиги инвестицион фаолликни юқори даражада таъминлашга имкон яратмоқда[11].

Саноат тармоқларида муҳим таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва инвестицион фаолликни таъминлашда нефть-газ саноатнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз саноатнинг мазкур тармоғида амалга оширилаётган қатор чора-тадбирлар нефть-газ соҳасини жаҳон бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга йўналтирилаётганлиги сабабли, соҳага хорижий консалтинг компаниялари ва мутахассисларини кенг миқёсида жалб этиш, геология-қидирув ишларини ташкил қилишнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш орқали инвестицион фаоллигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш жараёни долзарб аҳамиятга эга.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни инвестицион фаолликни таъминлашдаги ўрни билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳон миқёсида ўзига хос бўлган илмий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунинг асосий сабабини, нефть-газ саноатининг локоматив тармоқ эканлиги ва унинг ривожланиш суръатларини асосан фаол инвестицион жараёнларга боғлиқ эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Нефть-газ саноатида инвестицион фаолликни таъминланиши, бевосита таркибий ўзгаришларга боғлиқ эканлиги, хориж иқтисодчи олимларидан З.Даёнг тадқиқотлари орқали атрофлича ёритиб берилган. Ушбу тадқиқот иши орқали нефть-газ саноатида устувор таркибий ўзгаришларга асосланган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда инвестиция стратегиясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилади[2]. М.Бард тадқиқотлари орқали нефть-газ корхоналарининг ташки бозордаги рақобатбардошлиги асосан корхонанинг инвестицион фаолият самарадорлигига боғлиқлиги қайд этилади[3].

Рус иқтисодчи олимларидан Л.Н.Руднева, Т.Л.Краснова, В.В.Ёлгин, А.Г А.Г.Поляковалар нефть-газ корхоналарининг иқтисодий фаолият самарадорлигини таҳлил қилиш орқали, корхонада молиявий маблағлар тақчиллигини фискал ва бошқа молиявий имтиёзлардан фойдаланиш жараёнини пасайиб

бориши ҳисобига рўй беришини қайд этадилар. Мазкур муаммонинг самарали ечими сифатида, устувор инвестицион лойиҳаларни шакллантириш ва тизимли таркибий ўзгаришларни доимий тарзда амалга ошириш таклиф этилади[4].

Е.С.Болдырев, И.В.Буренина, И.М.Захаровалар фикрича, нефть-газ саноатида инвестицион фаолликни таъминланиши риск даражаси билан бевосита боғлиқ. Шу сабабдан, рисклар даражасини пасайтиришнинг молиявий механизмлари билан бирга ташкилий механизмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу борада таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг табиий-иктисодий салоҳияти билан боғлиқ қийматни аниқлаш тавсия этилади[5]. Е.Г.Чернова, С.В.Размановалар ўз тадқиқотлари орқали нефть-газ саноатининг инвестицион фаоллигини асосан нефть-газ маҳсулотлари диверсификациясига боғлиқлиги ҳисобига таъминланишини таъкидлайдилар[6].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.С.Жўраев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматовлар саноат тармоқларида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар бўйича қарорлар қабул қилишда таркибий ўзгаришларнинг ўрнини алоҳида эътироф этадилар. Шу сабабдан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш стратегиясини амалга ошириш жараёнини дисконт қийматини баҳолашда таркибий ўзгариш жараёнларининг тегишли параметрларини алоҳида таҳлил қилиш тавсия этилади[7]. Д.Ш.Бабабекова, Б.О.Турсуновлар иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар шароитида саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишда инвестицион фаолликни ошириш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш лозим эканлигини эътироф этадилар[8]. А.У.Бурханов тадқиқотларида нефть ва газ ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари инвестицияларни жалб қилишни муҳим омили эканлиги қайд этилади[9].

Юқорида нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг инвестицион фаолликни таъминлашдаги ўрнини асослашга йўналтирилган тадқиқотлар юзасидан қўйидаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш мумкин:

– нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг инвестицион фаолликни таъминлашдаги ўрни тармоқ корхоналарининг техник ва технологик омили сифатида талқин этилаган;

– нефть-газ саноатининг асосан инновация сифими юқори бўлган соҳаларида хорижий инвестициялар ва банк кредитларининг таъсирчанлигини ошириш механизмини ташкил этиш чора-тадбирларининг услугий асослари тадқиқ этилган, аммо тармоқнинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи потенциал салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилмаган;

– тармоқнинг инвестицион фаоллигини ошириш асосан молиявий соғломлаштириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг муҳим омили эканлиги эътироф этилади, бу борада нефть-газ маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилмаган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


Иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашга йўналтирилган жаҳон тажрибаси, кўп жиҳатдан бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган таркибий ўзгаришларнинг табиати, йўналиши ва даражасига боғлиқлиги билан ифода этилади. Ўз навбатида саноатни ривожлантириш жараёни, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини модернизациялашга йўналтирилган, инновацион ва инвестицион фаолликни таъминлашга асос яратади.

Саноат ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар, саноатнинг барча тармоқ ва соҳалари ўртасида интеграцион алоқадорликни таъминлайди. Хусусан, бу борада нефть-газ саноатининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 марта «2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури»га доир ПФ-4707-сонли Фармонига мувофиқ, нефть-газ саноатида қатор таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводларида хом ашёни чуқур қайта ишлашга йўналтирилган замонавий қувватлар барпо этилди. Бугунги кунга келиб, ушбу саноат мажмуалари полиэтилен маҳсулотлар билан бирга, суюлтирилган газ, енгил конденсат, табиий газ ва олтингугурт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз нефть-газ саноатини модернизациялашда, инвестицион фаолликни таъминлашга йўналтирилган таркибий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, соҳа фадолиятини стратегик ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

2010-2019 йиллар давомида мамлакатимиз, нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши, инвестицион фаолликни юқори суръатлари таъминлашга имкон яратди. 2010 йилда мамлакатимиз иқтисодиётiga жалб этилган инвестицияларнинг умумий қиймати 2,76 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2011-2017 йилларда ялпи инвестициялар таркибида нефть-газ соҳасининг улуши ўртacha 80 фоиз кўрсаткични такил этган бўлса, 2018-2019 йилларда бу кўрсаткич, ўртacha 40 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолатни, асосий сабаби, жаҳон бозорида нефть маҳсулотларига нисбатан талабнинг ўзгариш суръатлари ва мамлакатимиз нефть-газ тармоғида модификациялашга асосланган янги технологиялар ўзлаштирилиши орқали изоҳлаш мумкин (1-расм).



1-расм. 2019-2019 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар таркибида нефть-газ саноатининг улуши(млр.АҚШ долларида)[11]

Дунё энергетика ҳамжамиятининг хуносасига кўра, ҳозирги пайтда энергия ресурслари орасида табиий газ истеъмоли етакчи ўринга эга бўлиб, чиқиб 2001 йилгача бўлган даврда табиий газ истеъмоли 400 миллиард куб метр ортиб, йилига ўртacha 2,4 триллион куб метрни ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб, газнинг дунё энергетикасидаги улуши улуши икки баробарга ошиши қутилмоқда. Шу сабабли, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводлари фаолиятини босқичма-босқич модернизация қилиниши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, мамлакатмиздаги 270 та нефть ва газ конларида экологик тоза ёнилғи — суюлтирилган газ ишлаб чиқаришга устуворлик берилиши, шунингдек, бошқа конлардан етказиб бериладиган, таркибида олтингугурт бирикмалари юқори бўлган табиий газни қайта ишлаш ҳажмини кескин ошириши соҳанинг истиқболдаги инвестицион фаоллигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади.

«Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2020-2030 йилларда нефтгаз ва кимё саноатини ривожлантириш, шунингдек маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларида бу каби чора-тадбирлар ўзининг комплекс ифодасини топади (1-жадвал).

1-жадвал

"Ўзбекнефтегаз" АЖнинг 2020-2030 йилларда нефтгаз ва кимё саноатини ривожлантириш, шунингдек маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати[11]

№	Лойиха номи	Импорт ҳажми (млн. долл.)	Қўлланиш доираси	Амалга ошириш муддати
	Жами:			
1	Шўртан газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш инвестицион лойиҳаси	122	100 дан ортиқ маҳсулотлар учун базавий хомашё сифатида ишлатилади	2022 й.
2	«Шўртан газ-кимё комплексининг тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёкилғи ишлаб чиқариш» инвестиция лойиҳаси	1 000	Нефтгазимё саноати	2021 й.
3	УГКМ ва ШГКМ нинг пиролиз дистилляторларини ароматик углеводородоарни ажралиб чиқиши (БТК) билан қайта ишлаш	-	Лак-бўёқ, кимё саноатлари	2022-2025 йй.
4	GTL парафинларидан чизиқли алкилбензоллар (ЛАБ) ишлаб чиқариш	8,44	Синтетик ювиш воситалари	2022-2025 йй.
5	GTL оқимларидан альфаолефинлар (бутен, гексен) ишлаб чиқариш	Бутен-1 - 4,50 Н-Гексан - 4,00	Нефтгазимё саноати	2022-2025 йй.
6	Метан ва нордон газлардан оқсил ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	140,00	Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноатлари	-
7	Пенополипропилен ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,20	Автомобилсозлик саноати	-
8	Метандан синтетик олмос ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	импорт қилинмаган	Абрауз материаллар, заргарлик, ишлов бериш саноати	-
9	Полимер композит материалларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	1,36	Автомобилсозлик саноати	2020-2021 йй.
10	УГКМ эҳтиёжлари учун «Wash Oil» ювиш мойини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	5,30	Газ-кимё саноати	2021-2024 йй.

Шўртан газ кимё комплексида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга доир инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши, углеводород хом ашёсини чукур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини берса, метан ва нордон газлардан оқсил ишлаб чиқаришни ташкил қилишга доир инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноатларини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, юқоридаги лойиҳалар билан бирга GTL парафинларидан чизиқли алкилбензоллар (ЛАБ) ишлаб чиқариш, GTL парафинларидан чизиқли алкилбензоллар (ЛАБ) ишлаб чиқариш, УГКМ эҳтиёжлари учун «Wash Oil» ювиш мойини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш каби йирик инвестицион лойиҳалар нефть маҳсулотларига бўлган ички талабнинг самарали қондирилиши ва соҳанинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга ижобий таъмир кўрсатади.

Аммо, бу каби қатор инвестицион лойиҳалар самарадорлиги нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолият дастурларини шакллантиришга доир лойиҳаларни амалга ошириш ва худудлар бўйича самарали тақсимот, ажратиладиган молиявий маблағлар мутаносиблиги ҳамда моддий-техник таъминотга боғлиқ. Шу сабабли, инвестицион тақсимотдаги оптимал ҳолатни

таъминлаш, инвестицион фаялиятини молиялаштириш механизмини тубдан такомиллаштириш, хусусан логистик молиялаштириш, активларни бошқаришда трансформацион молиявий модель, факторинг каби янги молиявий инструментларни кенг қўллаб қўриш ҳисобига тармоқнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб яхлит самарали молиявий инструментларни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Фикримизча, нефть-газ саноатида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали инвестицион фаялийкни таъминлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- нефть-газ саноатида жорий этилган инвестиция дастурларига мувофиқ белгиланган чора-тадбирлар тизимини ташкил этиш ва сарҳисоб қилишда “инвестицион мажбурият”лар бўлимини ташкил этиш;
- инвестицион я киритилган маблағлар хатарсиз қўйилмаларга қараганда акциядорларга кўпроқ фойда келтириши мумкин, кўрсаткичнинг салбий қиймати эса корхонага маблағларни киритиш иқтисодий фойдасиз эканлигидан далолат беради;
- лойиҳаларни молиялаштиришда инвестицион сарфлар даражасини оширмаслик ва ҳаражатларнинг мақсадли йўналтирилганлигини назорат қилиш тизимини оптималлаштириш;
- инвестиция лойиҳалари учун халқаро технологиялар трансфертини таъминловчи давлат-хусусий шерикчилик механизмидан фойдаланиш, инвестицион лойиҳаларни бошқаришнинг интеграллашган тизимини жорий этишда лойиҳа рискларини самарали бошқариш тизимини оптималлаштириш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://aza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
2. Dayong Zhang (2018) Energy Finance: Background, Concept, and Recent Developments, Emerging Markets Finance and Trade, 54:8, 1687-1692. ISSN: 1540-496X (Print) 1558-0938 (Online) Journal homepage: <https://www.tandfonline.com/loi/mree20>.
3. Bård Misund (2018) Exploration vs. acquisition of oil and gas reserves: Effect on stock returns, Cogent Economics & Finance, 6:1, 1443368, DOI: 10.1080/23322039.2018.1443368
4. Руднева Л.Н, Краснова Т.Л, Ёлгин В.В, Полякова А.Г. Основы экономической деятельности предприятий нефтегазовой отрасли. Учебник для вузов. Изд.2-е, перераб. и доп.– Тюмень: ТюМГНГУ, 2015.-256 с.
5. Болдырев Е. С, Буренина И.В, Захарова И.М. Учет рисков при оценке инвестиционных проектов в нефтегазовой отрасли//Науковедение: интернет-журнал. 2016. Т. 8, №1. С. 1-7. URL: <https://naukovedenie.ru/PDF/48EVN116.pdf>
6. Чернова Е.Г, Размanova С.В. Структурные сдвиги в нефтегазовой отрасли: ключевые факторы, индикаторы, последствия. вестник санкт-петербургского университета. <https://doi.org/10.21638/11701/spbu05.2017.406>
7. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: «Шарқ», 2003.-256 бет.
8. Бабабекова Д.Ш., Турсунов Б.О. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг шарт-шароитлари ва асосий йўналишлари. Монография. Т.: «VNESHINVESTPROM», 2018.-112 бет.
9. Бурханов А.У. Ўзбекистон нефть-газ саноатини барқарор ривожлантариш истиқболлари. Иқтисод ва молия / Экономика и финансы № 6, 2012.
10. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий ахборот сайти маълумотлари
11. www.ung.uz- Ўзбекнефтгаз АЖ расмий ахборот сайти маълумотлари